**Суд мажлиси иштирокчиларининг мобил видеоконференцалоқа тизими орқали суд мажлисида иштирок этиш тартиби**

1. “Видеоконференцалоқа” тизимига кириш учун ҳозирги кунда амалиётда кўп ишлатиладиган Google Chrome, Opera, Mozilla, Firefox (охирги версиялари тавсия этилади) каби замонавий интернет браузерларидан фойдаланилади.




2. Интернет тармоғига уланган фойдаланувчи қурилмасидаги веб браузер манзил қаторига http://vka.sud.uz манзили терилади.




Янги очилган саҳифадан **“ONE ID орқали кириш”** тугмаси танланади ва https://id.egov.uz веб манзилига ўтилади.



3. Агар фойдаланувчи **ONE ID – ягона идентификация тизими**дан рўйхатдан ўтган бўлса логин ва парол майдонларига тегишли логин ва паролни киритиб **“Kirish”** тугмасини танлаш орқали тизимга кирилади.




Акс ҳолда **“Ro’yxatdan o’tish”** тугмаси танланади ва қуйидаги кетма-кетликда маълумотлар тўлдирилади:

- фойдаланувчи шартномасини тасдиқлаш яъни шартлар билан танишиб чиқиб **“Tanishib chiqdim”** тугмасини танлаш;



- **“Fuqaroligi”** қаторидан рўйхатдан ўтаётган фойдаланувчининг фуқаролиги танланади, **“Ro’yxatdan o’tish uslubi”** майдонидан агар сизда ЭРИ (электрон рақамли имзо) мавжуд бўлса, **“ERI kaliti orqali”** акс ҳолда **“ERI kalitisiz”** қатори танланади, **“PIN”** майдонига фойдаланувчининг шахсий идентификация рақами киритилади (шахсий идентификация рақами тўлдириш тартиби билан ушбу майдондаги **“?”** белгиси орқали танишиш мумкин), **“Pasport raqami“** қаторига паспорт серияси ва рақами киритилади ва **“Keyingisi”** тугмаси танланади;




- кейинги ойнада фойдаланувчининг маълумотлари тизим томонидан автоматик юклаб олиниб, **“Keyingisi”** тугмаси босилади;



- кейинги ойнада фойдаланувчи логини, пароли, электрон почта манзили (агар мавжуд бўлса) майдонлари тўлдирилади. Автоматик тарзда рўйхатдан ўтиш ҳимоя кодидаги рақамлар **“Код”** майдонига кўчириб ёзилади, телефон рақами тўлдирилиб, **“Tasdiqlash kodini yuborish”** тугмаси танланади ва кўрсатилган телефон рақамига смс тарзида келган кодни **“Tasdiqlash paroli”** майдонига тўлдирилади ҳамда **“Keyingisi”** тугмаси танланади.




- муваффақиятли рўйхатдан ўтилганда бу ҳақда қуйидагича хабарнома акс этади.



- **"Yopish/Tugatish"** тугмаси танланади ва ушбу йўриқноманинг 2-банди такроран амалга оширилади ҳамда логин ва парол киритилиб **"Kirish"** тугмаси танланади ҳамда тизимга кирилади.




4. Тизимга биринчи марта кирилганда қуйидагича хабарнома чиқади ва ундан **"Принять"** тугмаси танланиб, тизимга кирилади:




5. Тизимга киргандан сўнг фойдаланувчи иштирок этиши зарур бўлган суд мажлиси янги очилган суд мажлислари жадвали саҳифасидаги **"Суд номи"**, **"Ҳудуд"**, **"Судлар"** ва **"Иш кўриладиган сана"** майдонларидан тегишлисини танлаб **"Излаш"** тугмаси орқали ўзига тегишли бўлган, яъни айнан қайси ишда иштирок этиши лозим бўлган иш топилади ҳамда логин ва парол олинади.




а) **"Суд номи"** қаторидан тегишли суд тури танланади, **"Худуд"** қаторидан тегишли худуд танланади.






б) **“Судлар”** қаторидан тегишли суд ва иш кўриладиган сана танланиб **“Излаш”** тугмаси босилади.




в) **“Суд мажлисига тайинланган ишлар рўйхати”**дан фойдаланувчи иштирок этиши зарур бўлган иш топилади ва **“Логин парол олиш”** устунидаги белгиси танланади.




Янги очилган ойнада рўйхатдан ўтилган иш қайси иш бўйича қайси санада ва қайси вақтда эканлиги ҳамда фойдаланувчи видеоконференция режимида иштирок этиши учун берилган логин ва парол акс этади. Ушбу тақдим этилган логин ва парол фақат юқорида танланган иш учун актуал ҳисобланади. Логин ва парол мобил қурилма ёки компьютер хотирасига сақлаб олинади.




6. Видеоконференцалоқа режимида суд мажлисида иштирок этиш имконини берувчи илова юклаб олинади. Бунинг учун саҳифанинг юқори ўнг қисмида жойлашган



**"Юклаб олиш"** тугмасини танлаш орқали видеоконференция яратиш имкониятини берадиган **"TE Desktop"** (компьютер учун) ёки **"TE Mobile"** (мобил қурилма учун) иловаси юклаб олинади. Видеоконференцияни яратиш заруратига қараб MS Windows, iMac, iOS ва Android операцион тизимлари учун мўлжалланган вариантлардан бири танланади.




7. Юклаб олинган дастурни (бизнинг мисолда **"TE Desktop"** (компьютер учун)) **"Ок"** ва **"Далее"** тугмаларини босиш орқали компьютерга ўрнатилади. "Настройка сервера" тугмаси танланиб, адрес ва порт қаторлари расмдаги рақамларга ўзгартирилиб, **"Сохр."** тугмаси босилади.









8. Тақдим этилган ҳамда сақлаб қўйилган логин ва парол киритилиб, авторизациядан ўтилади ҳамда суд мажлиси тайинланган вақтдан аввалроқ дастур ўрнатилган қурилма сифатли интернет тармоғига уланган ҳолда судья томонидан видеоқўнғироқ бўлиши кутилади.







9. Видеоқўнғироқ амалга оширилганда компьютер экранининг пастки ўнг қисмида қуйидагича кўринишда қўнғироқ пайдо бўлади. **"Видео"** белгиси танланиб қўнғироқ қабул қилиниши билан суд мажлисида иштирок этиш бошланади.



10. Агар дастурда **“You are the only participant”** деган маълумот акс этса, видеоконференцияда фақат фойдаланувчи иштирок этаётганлигини англатади.




11. Камерани ўчириб қўйиш учун **“Отключить локальную камеру”** белгиси танланади.




12. Микрофонини ўчириб қўйиш учун **“Отключить звук локального микрофона”** белгиси танланади.




13. Овоз динамикасини ўчириш учун **“Отключить звук динамика”** белгиси танланади.

